

№ 2 (6)  
2025



ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASI  
NÓKIS FILIALI

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI / ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА / BULLETIN OF MUSIC AND ART

# MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSI

ILIMY-METODIKALÍQ JURNAL





**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW,  
ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRIGI  
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT MINISTRIGI  
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIASÍ  
NÓKIS FILIALÍ**

**MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ**  
*Ilimiy-metodikaliq jurnal*

**MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI**  
*Ilmiy-uslubiy jurnal*

**ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА**  
*Научно-методический журнал*

**BULLETIN OF MUSIC AND ART**  
*Scientific-methodical journal*

**№ 2(6)/2025**

## SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

*Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali*

**Bas redaktor:** – Allanbaev Rudakiy, *professor*

**Juwaplı xatker:** – Kamalova Difuza, *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori, docent.*

### REDKOLLEGIYA AGZALARI:

**OZODBEK NAZARBEKOV** – Ózbekstan Respublikası Mádeniyat ministri, professor;

**AZIZBEK TURDIEV** – Ózbekstan Respublikası Mektepge shekemgi hám mektep bilimlendiriw ministri orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

**KAMOLIDDIN URINBAYEV** – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası rektori, professor;

**AMANULLA RIZAYEV** – kórkem ónertanıw ilimleriniń kandidati, professor;

**HIKMAT RAJABOV** – professor;

**ORAZALI TOSHMATOV** – professor;

**BAXT AZIMOV** – pedagogika ilimleri kandidati, docent,

**MUHAMMAD TOLAXOJAEVA** – kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

**MARFUA XAMIDOVA** - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

**BOLTABOY SHODIYEV** - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, docent;

**OZODA TOSHMATOVA** - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

**SAYYORA ĞAFUROVA** – professor;

**OYDIN ABDULLAEVA** – professor;

**IRODA MIRTALIPOVA** – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

**PARAXAT MAMUTOV** – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

**QURBANBAY JARIMBETOV** – filologiya ilimleriniń doktori, professor;

**ALIMA BERDIMURATOVA** – filosofiya ilimleriniń doktori, professor;

**ZIYADA BEKBERGENOVA** – filologiya ilimleriniń doktori (DSc), professor;

**ARTIQBAY EREJEPOV** – pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

**JANABAY MARZIYAEV** – filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

*Jurnal qaraqalpaq, ózbek, rus hám ingliz tillerinde baspadan shıǵarıladi. Jurnal Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administraciyası janındaǵı Málimleme hám ǵalaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen mámleketlik dizimnen ótkerilgen. №047569 4-oktyabr, 2022-jıl.*

**Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya Komissiyasınıń 2024-jıl 30-iyuldaǵı 358-sanlı qararı tiykarında jurnal 17.00.00-Kórkem ónertanıw ilimleri jónelisi boyınsha dissertaciya nátiyjelerin baspadan shıǵarıw ushın arnalǵan jetekshi ilimiy jurnallar qatarına kiritilgen.**

*Redakciya mánzili: Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali Sh.Abdirov 2-jay.*

*E-mail: [ozdknf@edu.uz](mailto:ozdknf@edu.uz), UZDK\_Nukus@exat. Tel: 551020540 Veb-sayt: <https://science.uzdknf.uz/>*

**ISSN-2181-4112**

## МУСИҚИЙ АСАР УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА

Мирсолихова Х.М.

*Ўзбекистон давлат консерваторияси*

**Аннотация.** Дарслар жараёнида талаба бу вазифаларни пухта амалга оширса, сахнада тайёрланган мавзунини аъло даражада ижро эта олади. Ижрода бадиийликни яхшилаш, мукаммаллаштириш учун иш режаси талабанинг ижро тайёргарлигига (индивидуал қобилиятига мос) мувофиқ танланиши ва босқичли ишланиши лозим. Бу жараёнга ўқитувчи жиддий эътибор қаратиши лозим.

**Калит сўзлар:** дарс жараёни, бадиийлик, индивидуал, муסיкий асар.

**Аннотация.** Если студент в процессе занятий тщательно выполняет поставленные задачи, он сможет на высоком уровне исполнить подготовленную тему на сцене. Для совершенствования и улучшения художественности исполнения план работы должен подбираться в соответствии с исполнительской подготовкой и индивидуальными способностями студента и разрабатываться поэтапно. Преподавателю необходимо уделять этому процессу серьезное внимание.

**Ключевые слова:** учебный процесс, художественность, индивидуальный, музыкальное произведение.

**Abstract.** If a student carefully completes the assigned tasks during lessons, they will be able to perform the prepared topic on stage at an excellent level. To enhance and refine the artistic quality of the performance, the work plan should be selected in accordance with the student's performance readiness and individual abilities, and developed step by step. The teacher must pay close attention to this process.

**Keywords:** learning process, artistry, individual, musical piece.

**Кириш:** Ушбу мақоладаги фикрларим, долзарб ва қизиқарли мавзу ҳақида бўлиб, "Муסיкий асарни ёд олиш формуласи ёки қандай босқичлари бор"? деган саволга ойдинлик киритиш, таҳлил қилишга бағишланади. Бу мавзу жуда кенг кўламли бўлиб, ўқувчилар билан ишлаш жараёнида тўпланган тажриба, инсайтлар<sup>1</sup> билан бўлишмоқчиман.

Савол: Ўқитувчи бирор бир асарни ўргатиш учун қандай умумий қоидалардан фойдаланиши керак? Ўзи умумқабул қилинган қоидалар

---

<sup>1</sup> Инсайт (инглиз. Insight), - бирор бир муаммонинг ечимини тўсатдан онгли равишда топиш. (қаранг: Эврика)

мавжудми? Бу мавзуни ёритадиган ўқув қўлланмалар борми? Мавжуд бўлса уларда иш жараёнининг тузилиши, режаси тўлиқ баён этилганми? Асарни сифатли ёд олиш учун дарс давомида нима қилиш керак? Бу саволлар кетма-кетлигига, бу мавзуни тўлиқ ёритадиган, дарс жараёнини тўлиқ кетма-кетлиги кўрсатилган услубий ишланмалар йўқ. Ва бунга сабаблар бор. Мавжуд ўқув қўлланмаларда иш жараёнини ташкил этиш ва натижага эришиш учун машқлар, кўрсатмалар бор. Ўқув дастурлари ҳам бор, уларда ўқувчи ўзлаштириш керак бўлган асарлар ва кўникмалар рўйхатлари берилган. Бироқ, бу кўникмаларни ва асарларни қандай ёд олиши кераклиги ҳақида маълумот йўқ. Чунки мусикий таълим якка (индивидуал) тартибда олиб борилади. Сўз моҳиятининг ўзи айтиб турибди ҳар-бир дарс индивидуал ташкиллаштирилади, яъни ўқувчининг индивидуал феъл-атворини инобатга олиб, унинг ижро салоҳиятига мослаштириб дарс ва режа тузилади. Зеро, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулоқот бу ижодий жараён. Бу жараённинг муваффақияти учун иккала тараф бир-хил куч ва уриниш сарф этиши зарур. Бир ўқитувчи битта мавзуни ҳар-хил ўқувчилар билан турли тарзда ўтади. Қайсидир ўқувчи мавзуни бир маротаба, бошқа ўқувчи эса худди шу мавзуни бир-неча маротаба тушунтирганда илғайди ва сингдиради. Бунда ўқитувчининг маъсулияти ва таъсири улкан. Қанчалик ўқитувчининг билими ва дунёқараши чуқур ва бой бўлса, дарс жараёни ҳам мукамаллашади. Ўқувчилар учун ҳам бу ўқитувчининг дарсига кириш ва ўзлаштириш қизиқроқ бўлади.

Шундай қилиб асосий мавзуга кайтсак. Мусикий асар устида ишлаш деганда нимани назарда тутамиз? Ишлаш бу - асарни нотадан ўқиш ва ёд олиш. Бу ишнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Кейинги муҳим босқич ёд олинган ноталар кетма-кетлигини мусиқага айлантириш, ижро этиш. Бу босқич фақатгина асар ёд олингандан кейингина бошланади.

Ишлаш жараёнида ўқувчи берилган вазифа билан танишади, санаб, секин темпда, ибораларга бўлиб ижро этишни бошлайди. Бир - неча дарс давомида мавзу қайтарилади. Ушбу ҳолат бир неча бор натижасиз (ўқувчиларнинг идроки, зеҳни ўткирлигига қараб бу жараён қисқаради ёки узайиши мумкин) давом этади. Асар хатосиз ёд олинмагунга қадар нотадан тинимсиз бошидан охиригача чалиш умуман ишламайди. Энг самарали йўл матн ижросида хато билан чалинаётган қисмларни ўзини хатосиз ўзлаштиргунга қадар қайтаришдир. Ўқитувчи дарсда матн ижросида қаерда хатолар мавжудлигини кўрсатиб беради, ўқувчи эса мустақил дарс қилаётганда шу жойларни қисмларга бўлган ҳолда машқ қилиши керак. Бу

асарнинг мураккаб қисмларини машқларга бўлиб, гаммалар ўрнида чалиш ҳам самара беради. Бу ерда ўқувчига шу хатоликларга нима сабабдан йўл қўяётганини тушунтириш керак. Ўқувчи хатосини сабабини тушуниши керак. Мисол қилиб бошланғич иш жараёнида аппликатура қоидаларига амал қилмаслик натижасида ижрода хатоликлар келиб чиқиши мумкин. Дарсда ўқитувчи мана шу жойда бармоқларингда шу хатоликлар бор, тўғри аппликатура бундай бўлади дея тушунтириб, кўрсатиб бериши лозим. Ўз навбатида ўқувчи бу кўрсатмаларга аҳамият берган ҳолда дарсни мустаҳкамласа ижрода ижобий ҳолатга эришади. Шундагина ўқувчи ўзининг кучи ва қувватини тўғри сарфлаган бўлади. Кейинги назарда тутиш керак бўлган элемент бу штрихлардир. Кўпинча ўқувчилар ноталарни узунлигини, аппилкатурасини тўғри чалдим деб ўйлашади. Асарни ижросида штрих маданияти жуда аҳамиятли. Штрихларни ижроси орқали асарни қандай ижро этилганлигини биламиз. Шу сабабли, асарда штрихларни ёзилган жойида назарда тутилганидек ижро этишдан четлашмаслик керак.

### **Матн + аппликатура + штрих .**

Шу учликни мукамал ўргангунга қадар қайтариш лозим. Яна бир муҳим ҳолат неча марта қайтариш керак? Бу саволга жавоб юқорида келтирилганидек, ҳар-бир ўқувчи салоҳиятининг индивидуаллигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қайтаришлар давомида биринчи маротаба хатосиз ижро этилса бу – беихтиёрий; иккинчиси -тасодикий; фақат учинчи маротабадан бошлаб, бу сизнинг ростан ҳам шу матнни тўғри ўрганиб ижро этишни бошлаганингизни англатади. Одатда дарс жараёни давомида биз ўқувчилар билан маълум қисмни беш маротаба қайтариш қоидасига амал қиламиз. Тактни (ижродан аввал нима учун шу тактни чалаётганимизни англаб оламиз, қайси вазифани бажаришимизни аниқлаштирамиз) биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи маротаба чалдик ўхшамаяпти, яна бошидан санокни янгилаймиз. Токи шу тактни беш марта кетма-кет тоза, хатосиз, сифатли қилиб чалишга эришганимиздагина, биз шу дарсга, вақтга қўйилган вазифани бажарган бўламиз. Бу жуда муҳим. Ўқувчиларимга: “Сиз асарни тўлиқ ижро этмаган бўлсангиз ҳам, маълум бир кесмасини тўғри ва сифатли ўргандингиз-ми демек, ўз қувватингизни бекорга сарфламадингиз” дея ўргатаман. Одатда шу кесмани ўзини чалганда ўхшайди, лекин қолган қисми билан боғлаб чалишни бошласак яна ўхшамайди. Шунинг учун тактни ўзини чалиб маромига етказганимиздан сўнг ундан олдинги ва кейинги тактлар билан қўшган ҳолда ижро этишни ишлашимиз керак. Бу ерда ҳам “беш маротаба қайтариш” қоидасини қўллаймиз. Шу тартибда бутун асарни чалиб

ёд оламиз. Ва ниҳоят, асар ижросида тўғри ритм, аппликатура, тўғри штрихлар ва динамик бўёқларга эътибор бериб ёд олганингиздан сўнг, ишнинг энг қизиқарли босқичи бошланади.

Асарнинг муסיқий бадиийлигига эришиш босқичи. Албатта, муסיқани баён этишда ритм, штрих, аппликатура ва динамик бўёқларнинг тўғри жой-жойида ишлатилишининг ўзи ярим ишнинг қилинганлигидир. Улар ҳам муסיқий асар ижросида фойдаланиладиган ифода воситалар ҳисобланади. Товушлар орқали муסיқий тасвири ифодалашимиз, яратишимиз лозим. Бу жараён мураккаб, лекин буни юқорида келтирилган тавсиялардан фойдаланиб матнни тўғри ёд олишни бошласангиз, ижроингизда енгиллик туғилади деган умиддаман. Бу эса сизга асарнинг фақат қуруқ матнини эмас балки, ҳақиқий муסיқий асар ижросини яратишингизда кўмаклашади. Сизга ўз ижроингиздан қувонч ҳисси туйишингизни тилайман. Муסיқачининг энг муҳим вазифаси ўз ижроси билан тингловчига муסיқий матнни тасаввур этишига ёрдам беришидир. Худди кўргазмага борганимизда суратларни томоша қилганимиздек, муסיқа ҳам тасаввуримизда сурат ярата олиши керак. Шу ўринда яна бир долзарб мавзу ижрочиларда эшитиш қобилиятини (ўқувчининг қулоғини) ўстиришга алоҳида эътибор қаратишимиз кераклиги. Чунки ўқувчининг эшитиш қобилияти, товушларни гапиртира олиш тажрибаси ошган сари у ижро этаётган асарларнинг бадиийлиги, тириклиги ошиб боради. Ҳозир синфдан чиқмаган ҳолда интернет орқали биз хоҳлаган етук муסיқачиларнинг ижроларини эшитиб, томоша қилишимиз мумкин. Бирор асарни ёд олганимиздан кейин уни гўзал ижросини эшитишимиз керак ва ижроимизда шу даражага интилишимиз лозим. Бунда бизга энг катта ёрдамни инсониятнинг энг катта ютуқларидан бири бўлмиш интернет тармоқлари беради. Албатта ундан тўғри фойдаланганда. Авваллари муסיқий фанлар таркибида «Муסיқа тинглаш» фани бўларди. Кейинчалик бу фан ўқув амалиётидан олиб ташланди. «Муסיқа тинглаш» фанида ўқитувчи турли муסיқий асарларни ижро этиб берарди ва кейин ўқувчилар шу асарни характери, нима мавзуда ёзилганлиги, асарни эшитганда нимани тасаввур қилганликлари ҳақида сўзлаб берардилар. Назаримда ўқувчиларда эшитиш маданиятини, эшитишни ривожлантиришда бу фаннинг таъсир кучи ва фойдаси жуда катта бўлган. Бу фанни нафақат муסיқий мактабларда балки, умумтаълим мактабларида ҳам тиклаш керак. Чунки болаларимизни муסיқага қизиқтириш шу орқали уларни тасаввурини ўстириш, руҳига озуқа бериш, қалбини гўзаллаштириш учун муסיқий оҳанглар билан таъсир этиш

келажакда маънавий юксак, руҳияти кучли авлодни камол топишида аҳамиятлидир.

**Хулоса.** Мусиқий бадийликка эришиш техник воситаларни (ритм, штрих, динамика) пухта ўзлаштиришдан бошланиб, эшитиш қобилияти ва тасаввур орқали мусиқий матнни жонли образга айлантиришда намоён бўлади. Фарзандларимизнинг маънавий юксак ва руҳияти кучли авлод бўлиб етишишида мусиқа ва уни тўғри тинглаш маданияти муҳим аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Wikipedia.org
2. Мирсолихова Х.М. (2023). Музыка как картина мира и феномен культуры. *Oriental Art and Culture*, 4(1), 822 – 824.
3. Мирсолихова Х.М. (2024). Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг акмеологик чолғу ижрочилигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. *Academic Scientific Research*,
4. Мирсолихова Х.М. (2024). Чолғу ижрочилигида долзарб мавзу: товуш маданияти ҳақида. “Санъат тизимида сифатли таълим самарадорлигини такомиллаштириш муаммолари: инновацион ёндашувлар”, 263-267.
5. Қодиров Р.Г. “Мусиқа психологияси” ўқув қўлланма. – М.: 2014.
6. Ильин Е.Н. “Мастерство учителя: идеи, советы, предложения”. – П.: 1988.

## MAZMUNÍ

### MUZÍKATANÍW

|   |                                                                                                            |    |
|---|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1 | <b>Султанова Е.</b> ФОРТЕПИАННОЕ ТРИО ФРАНСИСА ПУЛЕНКА В КОНТЕКСТЕ ФРАНЦУЗСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ МУЗЫКИ XX ВЕКА | 3  |
| 2 | <b>Миркасымова Э.З.</b> ИСПОЛНИТЕЛЬСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ КАК ВАЖНЕЙШИЙ ЭТАП ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЫКАНТА            | 9  |
| 3 | <b>Мирсолихова Х.М.</b> МУСИҚИЙ АСАР УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА                                           | 16 |
| 4 | <b>Тожибоев С.</b> ИСЛОМ ДИНИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМ ВА БАЙРАМЛАРДАҒИ МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАР                      | 21 |
| 5 | <b>Abatbaeva R.A.</b> KOMPOZITORLAR IJODIDA BALLADA JANRINING SHAKLLANISHI VA BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI    | 34 |

### KÓRKEM ÓNER

|    |                                                                                                                        |     |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 6  | <b>Allanbaev R.O.</b> “SUYMAGANGA SUYKALMA” MUSIQALI DRAMASINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI                              | 41  |
| 7  | <b>Аббарова М.</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЁЛ КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ТАҒАҚҚУРИ МОҲИЯТИ                              | 52  |
| 8  | <b>Aytmuratov B.K.</b> AKTYOR INDIVIDUALLIGINI SHAKLLANTIRISHDA ROL YARATISH USLUBIYATINING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI | 59  |
| 9  | <b>Azimov K.</b> DIRIJYORLIK TEXNIKASINING NAZARIY MASALALARI                                                          | 68  |
| 10 | <b>Eminov N.</b> “ALPOMISH” MUSIQALI DRAMASIGA AYRIM CHIZGILAR                                                         | 73  |
| 11 | <b>Gulmanov I.</b> DÁSTÚRIY HÁM ZAMANAGÓY MUZÍKADA DÁP ÁSBABÍNÍN RAWAJLANÍW BASQÍSHLARÍ                                | 80  |
| 12 | <b>Jaqsımuratova B.</b> VOKAL ATQARIWSHİLÍĞİNÍN TARIYXIY EVOLYUCIYASÍ                                                  | 86  |
| 13 | <b>Karimova N.</b> FESTIVAL TUSHUNCHASI VA ULARNIG ILMIY-NAZARIY ASOSLARI                                              | 92  |
| 14 | <b>Kazakbayeva M.</b> ARIYALAR USTIDA ISHLASH JARAYONIDA JO‘RNAVOZNING AHAMIYATI                                       | 98  |
| 15 | <b>Kutekeeva R.</b> QORAQALPOG‘ISTON OPERA SAN’ATIDA MILLIY OBRAZLAR TALQINI                                           | 104 |

|    |                                                                                                           |     |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 16 | <b>Matjanova M.</b> ATQARIWSHILIQ MADENIYATIDA KONCERTMEYSTERDIN TIYKARGI WAZIYPALARI                     | 110 |
| 17 | <b>Sharipov N.</b> ZAMONAVIY FANDA AYOL OLIMALARNING O'RNI                                                | 117 |
| 18 | <b>Osman Kopadze.</b> THE SOFT POWER IMPACT OF TURKISH TELEVISION SERIES ON UZBEK SOCIETY                 | 122 |
| 19 | <b>Paxratdinova L.</b> SKRIPKANING KELIB CHIQISHI VA IJROCHILIK AN'ANALARI                                | 130 |
| 20 | <b>Shukurov A.</b> TEATR SAN'ATINI RIVOJLANTIRISHDA TARIXIY VA ZAMONAVIY YONDASHUV                        | 136 |
| 21 | <b>Tursunov E.</b> AN'ANAVIY YO'NALISHDAGI XONANDALIK ASARLARI BOSHQA MILLAT VAKILLARI IJROCHILIGIDA      | 147 |
| 22 | <b>Измаилов А.М.</b> ФОРМИРОВАНИЕ ОРКЕСТРОВОЙ ФУНКЦИИ ЗВУКОВЫСОТНЫХ УДАРНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В XVI–XVII ВЕКАХ | 153 |
| 23 | <b>Давыдова Т.</b> СТИЛЕВЫЕ ОСОБЕННОСТИ СИМФОНИЧЕСКИХ ОПУСОВ ТУЛКУНА КУРБАНОВА                            | 165 |
| 24 | <b>Миркасымова Э.З.</b> ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ И СТИЛЕВЫЕ ПРИНЦИПЫ ФОРТЕПИАННЫХ ЦИКЛОВ Д.САЙДАМИНОВОЙ.            | 170 |
| 25 | <b>Charshemov J.A.</b> QARAQALPAQ KOMPOZITORLARININ XOR USHIN JAZILGAN SHIGARMALARI                       | 177 |

### **MUZIKA PEDAGOGIKASI**

|    |                                                                                                                                             |     |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 26 | <b>Djumaniyazov U.M.</b> XALQ MUSIQA IJODIYOTINI O'RGANISHGA PEDAGOGIK YONDASHUV                                                            | 187 |
| 27 | <b>Yusupaliyeva D.</b> YOSHLARNING MA'NAVIY TARBIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA MADANIYAT VA SAN'ATNING O'RNI VA AHAMIYATI                      | 196 |
| 28 | <b>Muratbaev A.</b> ORFF METODI TIYKARIDA MUZIKA SABAQLARIDA SAZ ASBAPLARDAN PAYDALANIV                                                     | 204 |
| 29 | <b>Мелькумова Э.И.</b> ФИЛОСОФСКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВАНИЯ НАУЧНОГО ПОЗНАНИЯ: СТРУКТУРА, ЛОГИКА И ТРАНСФОРМАЦИЯ В КОНТЕКСТЕ СОВРЕМЕННОСТИ | 210 |
| 30 | <b>Абдуллаева А.</b> РАБОТА НАД ФОРТЕПИАННЫМИ ПЬЕСАМИ Р. ГЛИЭРА В КЛАССЕ ОБЩЕГО ФОРТЕПИАНО                                                  | 217 |

|    |                                                                                                                                  |     |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 31 | <b>Saidumarov I.</b> ESTRADA XONANDALIGI SAN'ATI HAMDA VOKALDAN DARS BERISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARINING O'RNI VA AHAMIYATI | 223 |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|

**JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER**

|    |                                                                                                        |     |
|----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 32 | <b>Бердиниязова Н.К.</b> МЕҲНАТ ЖАМОАСИДА КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ                          | 228 |
| 33 | <b>Пердебаева К.Р.</b> БАСПАСӨЗ ДИЗАЙНЫ ҮСТИНДЕ ИСЛЕЎ<br>(Газетаның арнаўлы санлары анализи мысалында) | 234 |

**MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER**  
**XABARSHÍSÍ**  
*Ilimiy-metodikalıq jurnal*

